

2020 йил 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди.



НИУОУО

2020-Ҳ. 26-МАРТ, №12 (1209)

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

DOLZARB



ФАЛОНЧА
ДАРАХТ
ЭКДИК
ДЕБ БОНГ
УРИЛАДИ,
АММО...



7-БЕТ

КАРАНТИН: ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНМАСА ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛАДИ

Ўзбекистонда 25 март кўнага кўра коронавирус инфекциясини юқтириб олган фуқаролар сони 56 нафарга етди.

Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, товарларга ажиотаж талаб вужудга келишининг олдини олиш борасида Бош прокуратура, вилоят прокуратураларида ташкил этилган штаблар, туман-шаҳар прокуратураларида ташкил этилган ишчи гуруҳларда 1 800 нафар прокуратура, Департамент ходимлари ҳамда бошқа идоралар вакиллари фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг 24 март куни Департамент ташаббуси билан 3,42 тн. картошка, 4,7 тн. пиёз, 1,26 тн. гуруч, 5 тн. ун, 0,2 тн. шакар, 3,02 тн. пахта ёғи, 0,2 тн. макарон, 0,3 тн. помидор, 2 600 дона қолипчи нон, 100 боғ кўкат, 87 505 дона тиббиёт никоби, 200 дона тиббиёт кўклопи, 1000 дона антисептик воситалар, 1100 дона совун ва 1 тн. исирик тадбиркорлар томонидан аҳолига бегараз тарқатилди.

17-24 март кунлари Департамент ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилган тадбирларда 645 та ҳолатда жами 1 млрд. 735,7 млн. сўмлик маҳсулотларни қиммат нархларда сотиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу товарларнинг арзон нархларда аҳолига сотилиши таъминланди.

Прократура органлари томонидан 215 та дехкон бозори, 3 010 та дорихона, 7 554 та озик-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғул-

ланувчи корхона ва савдо дўкони раҳбарлари маҳсулотлар нархларини асосиз оширмаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Аҳоли орасида асосиз саросима ва ўринсиз ваҳималарнинг олдини олиш мақсадида карантин ва чеклов тадбирларини бузганлик ҳамда касаллик ўчоғига борганлик ва беморлар билан мулоқотда бўлганлик ҳақидаги маълумотларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик мавжудлиги юзасида 360 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Карантин қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши ва 87 та маъмурий иш (2020 йил 24 март ҳолатига) қўзғатилган.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ТБ томонидан фуқаро Ш.Р.га, Самарқанд вилоят ИИБ ТБ томонидан фуқаролар Т.Э. ва А.А.га нисбатан ЖКнинг 25, 257-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Урганч шаҳрида яшовчи З.А. ва А.Х. уй шароитидаги карантин қоидаларини бузганлиги учун МЖТКнинг 54-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Парда НАРЗИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Бугун халқимиз, жаҳон ҳамжамияти яна бир синовга дуч келди. Бу янги типдаги коронавирус инфекциясининг тарқалишидир. Инфекция аниқланган давлатлар, уни юқтирган одамлар сони кун сайин кўпайиб бораётгани энг аввало инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга солишни талаб этмоқда.

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚ ЕНГИЛМАЙДИ

Шу боис Ўзбекистонда халқимизни бу офатдан асраш, вирус аниқланган беморларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мурақаб даврда халққа ғамхўрлик қилишнинг яққол ифодаси бўлди.

Зотан, мазкур фармонга асосан ҳозирги шароитда иқтисодий ўт тармоқлари ва соҳаларининг эзлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида 10 трлн. сўм маблағнинг йўналтирилгани тарихий аҳамиятга моликдир.

Бундан ташқари, тадбиркорлар учун бюджетга тўланадиган солиқ ва ажратмалар кескин қайтарилди, баъзи йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш маълум муддатга тўхтатилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун белгиланган бир қатор солиқлар бўйича пеня ҳисоблаш тўхтатилиб, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайдиган бўлди.

2021 йилнинг 1 январига қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш ҳам тўхтатиб қўйилди.

Жисмоний шахслар учун мулк ва ер солиғи тўлаш муддати узайтирилди, уларнинг хайрия ташкилотларидан оладиган даромади солиқдан озод қилинди.

Шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвартиш қилаётган шахсларга намофага тўлаш белгиланди. Бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланди. Инфекцияга қарши курашга жалб қилинган шахсларни ҳам ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари белгиланди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган, ортқича ваҳималардан холи тарзда жорий этилган карантин чоралари эса касалликнинг шиддат билан тарқалишига тўсик бўлмоқда.

Энг муҳими, шу кунларда меҳр-муруват, саховат каби халқимизга хос хислатлар янада кўпроқ намоён бўлаётгани.

COVID-19 пандемиясига қарши курашда фуқароларимизни руҳан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига тушаётган беминнат маблағлар ҳам бунинг далилидир.

Мазкур акция доирасида Бош прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳам ихтиёрий равишда ўз иш ҳақларининг бир қисmini мазкур фондага ўтказиб бердилар.

Албатта, давлатимиз ғамхўрлиги туфайли инфекция таъсирини ҳали ҳеч қанча нарсага муҳтожлик сезгани йўқ, бундай бўлмайдими ҳам.

Бу каби акциялар оғир дамларда халқимизни янада жиқлаштирилади, ҳамжихатликни кучайтиради, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар бир инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигининг исботи бўлади.

Бош прокуратура

Ш.Ж.РАХИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шавкатжон Жўраевич Рахимов Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2020 йил 23 март

Шавкатжон Жўраевич Рахимов



Ш.Рахимов 1968 йилда Наманган вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1994 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.

Ш.Рахимов прокуратура органларидаги фаолиятини 1996 йилдан бошлаб, прокуратура органлари тизимида турли масъул лавозимларда ишлаган.

2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келган.

DOLZARB

НАЗОРАТ
КУЧАЙТИРИЛДИ

Коронавирус балоси кўплаб мамлакатларни ўргимчак тўри мисоли қамраб олишга улгурди. Афсуски, 15 мартдан бошлаб юртимизда ҳам коронавирусга чалинган беморлар борлиги аниқлана бошлади.



Ўзбекистонда ушбу инфекциясининг камрови кенгаймаслиги учун барча чоралар кўрилмақда. Жумладан, барча турдаги таълим муассасаларида вазият барқарорлашгунга қадар таътил эълон қилинди. Жамоат транспорти ҳаракати ҳам тўхтатилди.

Ҳозирги кунда чет элда бўлиб турган фуқароларимиз махсус рейслар орқали мамлакатимизга олиб келиниб, 14 кунлик карантинда сақланилган. Карантинга олинган объектларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, тиббий назоратдаги юрдошларимиз ўзбошимчалик билан белгиланган ҳудудни тарк этишининг олдини олиш мақсадида назорат кучайтирилмоқда.

Карантинга олинган объектларда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари куну тун фаолият олиб бормоқда. Хавфсизликнинг бу тарзда кучайтирилиши, шубҳасиз, ҳамюртларимиз саломатлигини асраш ва касалликдан талофатсиз ҳалос бўлишга замин яратди.

Карантин чоралари белгиланган жойларда хизмат ўтаётган ҳарбийларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида Республика ҳарбий прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари мазкур объектларда бўлишди. Бу каби тадбирлар барча ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Тимур ХАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

JARAYON

ОТАНИНГ ЎРНИ

Фаргона вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан 13 март куни оталарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш, ўқувчилар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида барча мактабларда «Оталар мажлиси» ўтказилди.

320 мингга яқин ўқувчининг оталари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирок этган мажлисларда ўқувчилар ўртасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари, уларнинг олдини олишда ота-оналар ва таълим муассасаларининг роли ва ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Тахлилларда айрим оилаларда фарзанд тарбияси асосан оналар гарданидан бўлиб, оталарнинг болалари билан камдан-кам мулоқат қилини, ўқиши, қизиқиши, бўш вақтида нима билан машғуллигига бефарқлиги кўзга ташланди. Оталар шу йил февраль ойида 5 – 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган фарзанд тарбиясида ота ва онанинг масъулияти билан боғлиқ аноним сўров натижаси билан таништирилди. Ўқувчилар орасида ўтказилган расмлар танловиди 4-синфда ўқийдиган қизча онаси, акиси ва ўзини акс эттирган ҳолос. Ўқитувчи ажабланиб «нега отангни чизмадинг?» деб сўраганида қизча «отам нариги хонада телевизор кўраётми?» дея жавоб берган. Шу мисол ҳам айрим оталар болалари таълим-тарбиясида локайдлигини кўрсатади. Бу аноним сўров натижасида ҳам акс этган.

«Оилангизда ота-онангиз билан суҳбатлашиб ўтириш сизга ёқадими?» саволига ўқувчиларнинг 9,8 фоизи, «Мактабда бўлган воқеалар тўғрисида отангиз қизиқадими?» деган саволга 24,2 фоизи «йўқ» деб жавоб берган. Ўқувчиларнинг 34,3 фоизи уй вазифаларини бажаришда оталари ёрдамлашмаслигини қайд этган. «Отангизга ўхшашни хоҳлайсизми?», «Келажақдаги оилангиз ҳозирги оилангизга ўхшашни хоҳлайсизми?» деган саволларга 17,7 ва 16,1 фоиз ўқувчи «йўқ» деб жавоб берган. Бундан ташқари, «Ҳаётингизда бирон бир муаммо пайдо бўлса, биринчи бўлиб кимдан ёрдам сўрайсиз?» саволига 16,6 фоиз ўқувчи «дўстларимдан» деб жавоб бергани ўз ҳолига ташлаб қўйилган болаларда ота-онасига нисбатан ишончсизлик кайфияти тугиллишидан далolat беради.

Психологик тадқиқотларга кўра ўсмирлик даврида ота-онанинг вақт ажратмаслиги, меҳр, эътибор бермаслиги фарзанд руҳиятида (тушқунлик, иккиланиш, қатъиятсизлик, ўзини камситилгандай ҳис қилиш каби) акс этади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар таъсирга тушиб қолган айрим ёшлар ўзлгини намойиш этиш, қай йўсинда бўлмасин эътиборни тортиш учун ахлоқ-одобга, қонун-қоидаларга зид ишга қўл уради. Болалар орасида ўзига ва бировларга шикаст этказиш, тажовузкорлик, безорилик, фирибгарлик, номусга тегиш, ҳагто қотиллик жиноятларининг туб негизи оиладаги носоғлом муҳит, маънавий қашшоқлик, зарарли таъсирларга тобелик, бўш вақтининг беҳуда ўтказиш каби омилларга бориб тақалади.

Оталарнинг оиладаги мавқеи, масъулиятининг сушлашгани, болаларнинг тарбиясида бефарқ қараб келаётгани болаларнинг ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишига олиб келмоқда. Хусусан, 2019 йили вилоятда 136 нафар бола турли жиноятларни содир этган. Жумладан, Қўқон шаҳрида яшовчи М. жиноий шериклари билан кечаси юзларига никоҳ тақиб, пичоқ билан қуролланиб фуқаро И.нинг 10 млн. сўм пулини босқинчилик билан қўлга киритган. Вояга етмаган М. эса уйда «Трамдол» доирисини 350 минг сўмга сотаётганида ушланган. У мунтазам равишда дарсларга қатнашмаган, жиноят содир этган куни ҳам мактабга бормаган.

Болалар ўз жонига қасд қилишганининг сабаби ота-онаси руҳиятидаги ўзгаришга лоқайд қарагани, бола кўнгли билан ҳисоблашганига бориб тақалади. Масалан, Бағдод туманида яшаган 7-синф ўқувчиси А. уйининг оғили тўсинига сям билан ўзини осган. Бунинг сабаби ўрганилган дилда китоб ва телефон олиб беришни сўрагани учун отаси танбех бергани, руҳиятидаги ўзгариш, ўқиши пасайиб кетгани хусусида ўқитувчиларнинг огоҳлантиришларига ота-онаси бефарқ қараб келгани, ҳеч қандай чора кўрмагани аён бўлган.

Болалар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. 2019 йили 1808 нафар ота-она фарзандига таълим-тарбия бериш мажбуриятини бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Судларда фарзанднинг тарбиясида салбий таъсир кўрсатувчи, ўз мажбуриятини бажаришдан бош торган 71 киши ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Бирварақай ўтказилган оталар мажлисида болалардаги салбий ўзгаришларга кўпинча тарбиядаги нуқсонлар, оиладаги носоғлом муҳит, ота ва она ўртасидаги жанжаллар, отанинг ичкиликка ружу қўйиши, ота ва онанинг фарзандига қўядиган ўта юқори талаблари сабаб бўлишига эътибор қаратилди. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишининг олдини олиш, фарзанд тарбиясида вужудга келадиган муаммоларни бар-тароф этиш борасида тавсиялар берилди.

Фарзанди комил инсон бўлиб улғайишига ота-она бирдай масъул. Рўзгорбоши оталар оилани моддий таъминлаш баробарида фарзандларига шахсий намуна бўла олиши, уларнинг келажагини кўра билиши, орзу ва интилишларини қўллаб-қувватлаши, фарзандларда турли ҳаётий вазиятларда тўғри йўлни танлаш кўникмаси шаклланишига кўмаклашишни лозимлиги таъкидланди.

Дилмурод ҚОБУЛОВ,
Фаргона вилояти прокурорининг ўринбосари



23 март куни Ҳукуматнинг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, манфаатларини ҳимоялаш, оилаларнинг мустақамлиги ва бахтли яшашини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда.



Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судларда 2018 йили никоҳдан ажратиш билан боғлиқ 46330 та иш қўрилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 42350 тага тушган.

Яна бир мисол, 2020 йил 1 февралда Тошкент шаҳрида оилалар мустақамлигини таъминлаш мақсадида очик мулоқот ўтказилди. Тадбирга оиласида нотинчлик бўлган 80 дан зиёд киши ҳамда турмуш куриш арафасида бўлган ёшлар тақдиф қилинди.

Тадбирда намоийш этилган «Ота», «Фарзанд омонат» номли киска метражли видеофильмлар ҳамда аёллар ва вояга етмаганлар жазони ижро этиш муассасаларидан олинган видеолархалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Намоийшдан сўнг бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш лозимлиги, эр-хотиннинг масъулияти, бир-бирининг олдидаги бурч ва ҳуқуқлари, бахтли ва тинч-тотув яшаш сирлари ҳақида ҳаётий мисоллар, кадрларимиз асоси-

да тушунтириш берилди.

Оилалар мустақамлигига масъул маҳалла маслаҳатчилари ва йиғилиш иштирокчиларига «Оила – муқаддас даргоҳ» номли рисола тарқатилди.

Очик мулоқот, самимий суҳбат натижасида ўнга оилага қувонч, бахт ва тўқислик қайтди, энг асосийси ушбу оилаларда камол топаётган 23 та бола барча қатори ота-онаси бағрида, уларнинг меҳрига қониб вояга етадиган бўлди.

Ярашган эр-хотинларнинг судларда қўрилатган ишлари шу ернинг ўзиде тугатилди.

Бу каби тарғибот тадбирлари давом эттирилмоқда.

Жаҳонгир БАЗАРОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Бухоро вилояти прокуратураси органлари қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишда фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларга ёрдам кўрсатишга эътибор қаратмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ ИШОНЧ

Жумладан, Ғиждувон туманидаги «Амон Саломат 2018» фермер хўжалиги топширган 81,5 тонна ғалласи учун «Бухоро дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятидан 24,4 млн. сўм ҳақини ўз вақтида ололмаган. Прокуратура аралашуви билан фермер хўжалиги ҳисобрақамига тўлов суммаси кўчириб берилиши таъминланди.

Жондор туманидаги «Аҳмаджон замини» фермер хўжалигига ҳам 2019 йил ҳосили ҳисобидан 105 млн. сўмлик пулни пахта тай-ёрлов корхонасидан ундириб олишида ёрдам кўрсатилди.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратураси органларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жондор туманида яшовчи Ф.Болтаев вилоят прокуратурасига мурожаат қилиб, бир неча йилдан буён чорвачилик учун ер ажратиш ҳақидаги аризаси Бухоро тумани ҳокимлиги масъул шахслари томонидан ҳал қилинмай келинаётганини маълум қилган. Ф.Болтаевнинг ушбу мурожаати қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг қарори билан 34,95 гектар ер чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилиши таъминланди.

Пешку тумани Шовари қишлоғида яшовчи Р.Йўлдошевга тумандаги «Richland International» МЧЖдан 3,8 млн. сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Албатта, халқ ишончи – олий ишонч. Қайсидир муаммоси билан мурожаат қилган одамларнинг ишончини қозониш учун уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарур. Қонун ҳимоясига ишонган инсон меҳнат қилиб чарчамайди.

Карим ТЕМИРОВ,

Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

NAZORAT

ЕРНИ АСРАШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси прокуратура органлари томонидан қатъий назорат қилиб борилмоқда. Ерларни хатловдан ўтказиш, аниқланган қонунбузилишлар жойида бартараф қилинишини таъминлаш чоралари қўрилаяпти.

Ўтказилган хатловларда республика бўйича 34320 та ҳолатда 9626 гектар ер ўзбошимччилик билан эгаллангани, унинг 3801 гектарида ноқонуний қурилишлар қилингани аниқланди.

Бундан ташқари, хатлов давомида маҳаллий ҳокимликлар 2125 та ҳолатда 31501 гектар ерни қонун талабларини бузган ҳолда ажратиб бергани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5421-фармони билан ўтказилган умумхалқ акцияси доирасида қишлоқ хўжалиги ерларида қурилиши тугалланмаган биноларга ҳам мулк ҳуқуқи эътироф этиб юборилган. Масалан, Богот тумани ҳокимлиги ва кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф

этиш ишларини ташкил этиш комиссияси мансабдорлари бино қурилиши тугаллангани ҳақида сохта маълумотнома тузиб, мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича мурожаат қилмаган 10 нафар фуқаро номидан сохта мурожаат ташкиллаштириб, ҳокимнинг 1,2 гектар ердаги тураржойларга эгаликни белгилаш ҳақидаги 20 та қарорини чиқаришга эришгани учун жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини қоплаш учун ҳисобланган 105,4 млрд. сўмлик зарар шу кунга қадар ундирилмаган. Шу жумладан, Жиззах (2,6 млрд. сўм), Наманган (4,2 млрд. сўм), Самарканд (8 млрд. сўм), Сурхондарё (11,7 млрд. сўм), Андижон

(18,7 млрд. сўм) ва Тошкент (55,8 млрд. сўм) вилоятларида зарар қопланмаган бўлса-да, ерлар фойдаланишга бериб юборилган.

Прокуратура органлари томонидан қонунбузилишларни бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар қўрилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинмоқда.

Хусусан, ноқонуний қурилган объектларнинг 20 846 таси (1838 га) бартараф этилди ҳамда 21029 та (3066 га) қурил-

гани мажбурий буздириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди. Туман (шаҳар) ҳокимларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган 1994 та (30353 га) қарори прокурорларнинг протести асосида бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, ўзбошимчилик билан эгалланган 6029 гектар ер захиратга қайтарилди, захирадаги 385,8 минг гектар сувли

ер жисмоний ва юридик шахсларга ажратиб берилди.

Ер билан боғлиқ қонунбузилишлар юзасидан 231 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 2 нафари агроинспекция ва фермерлар кенгаши, 6 таси маҳаллий ҳокимлик, 8 нафари архитектура, 14 таси маҳалла, 61 нафари кадастр ходими, 72 таси фермерлардир. Масалан, Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи З.Й. «Валиев инвест

231 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

барак» фермер хўжалиги раҳбари Ш.В. билан жиноий тил бириктириб, хўжаликка тегишли 0,3 гектар суғориладиган ерни фуқароларга 38400 АҚШ долларига фибрибарлик йўли билан сотган.

Шундан сўнг З.Й. нопок йўл билан топган пуlining 8000 долларига уй ва ер сотиб олиб, ҳайдовчиси ва бўлим мутахассиси А.С. номига расмийлаштирган ҳолда жиноий

даромадини легаллаштирган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Қўшқўпир туманидаги «Янгийўл боёвул» фермер хўжалиги раҳбари Х.И. хўжаликка тегишли 0,12 гектар суғориладиган ерни 5 нафар фуқарога 18500 долларга фибрибарлик йўли билан сотган.

Шунингдек, «Ермулккадастр» давлат корхонаси Асака тумани филиали бўлим бошлиғи Ў.Ю. ва Х.А. 2020 йилнинг 10 март куни фуқаро М.А.нинг хонадон кадастр ҳужжатини расмийлаштириб бериш ва «Қоратеп» МФЙ худудиде захирада турган 0,10 гектар ерни иссиқхона қуриш учун ажратиб бериш эвазига 12400 долларни ушбу фуқародан фибрибарлик йўли билан олаётган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Улуғбек АХУНОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

24 март куни Ҳукумат қарори билан нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомлар тасдиқланди.

26-MART 2020-Y.

HUQUQ № 12

(1209)

3

МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Халқимиз нисбатан тортинчоқ, маданиятли, ориятли. Ҳар нарсага эшикма-эшик юриб дардини дoston қилавермайди. Лекин сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Инсон очликка чидаши мумкин, лекин ноҳақликка чидамайди. Қорнингга эмас, қадримга йиғлайман деган гап бежиз айтилмаган.

Фуқароларимиз ҳам қонуний ҳуқуқлари бузилса, муаммолари мутасадди идораларда вақтида ҳал этилмай сарсон бўлса, ҳақиқат излаб прокуратура органларига мурожаат қилади. Чунки прокуратурада ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди ва қонуний ҳал этилади.

Ўтган йили Самарқанд вилояти прокуратураси органларига 38211 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 25194 таси кўриб чиқилди. 2631 таси қаноатлантирилди, 22339 таси бўйича тушунтириш берилди. Амалдаги қонунчиликка мос келмагани учун 224 таси рад қилинди, 207 таси кўрмай қолдирилди. 12487 таси тегишлилиги бўйича ҳал этиш учун бошқа ташкилотларга юборилди. Кўрилган чоралар натижасида 1593 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди. Фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланишининг ўзи адолат тантанасидир.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мурожаатларни ўз вақтида, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўтган йили 15200 нафар фуқаро, шундан 6022 нафар жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан прокурорлар, 3911 нафари прокурор ўринбосарлари томонидан қабул қилинди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг 5750 нафар вакили бевосита меҳнат жамоалари ва яшаш жойларида қабул қилинган. Бу амалиёт ҳам одамлардаги ишонч ва ҳурмат ҳиссини юксалтиради.

Шунингдек, вилоятдаги қорхона ва ташкилотлар, муассасаларда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш натижасига кўра 111 та қонуний ҳужжатга протест келтирилди. Қонун бузилишини бартараф этиш ҳақида 29 та тақдимнома киритилди. 58 киши маъмурий, 59 киши интизомий жавобгарликка тортилиб, фуқароларга етказилган 302 млн. 196 минг сўмлик зарар ихтиёрий қопланди. 400 млн. 654 минг сўмлик зарарни ундириш борасида сулларга 78 та даъво аризаси киритилди ва жиддий қонунбузилишлар юзасидан 23 та жиноят иши кўзгатиildi.

Фуқароларга етказилган 302 млн. сўмликдан ортиқ зарар ихтиёрий қопланди.

Аҳоли билан мулоқот қилиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида йил давомида Бош прокуратура раҳбарияти томонидан вилоятда 10 марта сайёр қабул ташкил этилди. Уларда 1800 га яқин фуқаро катнашиб, 756 кишига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди ҳамда 1044 та мурожаат қабул қилинди.

Мурожаатларнинг 313 таси қаноатлантирилди, 620 таси бўйича тушунтириш берилди.

Сайёр қабул жараёнида 136 нафар фуқаро турли жойларга ишга жойлаштирилиб, 31 кишига ногти-

ронлик аравачаси, 23 кишига кўлтуктаёқ, 16 фуқарога эшитиш мосламаси, 9 нафарига даволаниш учун имтиёзли ордер, 17 нафар фуқарога бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш таъминланди.

Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Ж.Ортиков Бош прокурорнинг сайёр қабулида «Ешлар – келажимиз» давлат дастури доирасида 1 млрд. 380 млн. сўм кредит олишда ёрдам сўраган. Ушбу мурожаат Каттақўрғон шаҳар прокуратураси аралашуви билан қаноатлантирилиб, кредит ажратилиши таъминланган.

Шунингдек, Ургут туманида яшовчи З.Сунонов Бош прокурорнинг сайёр қабулида аҳолининг тоза сув, электр энергияси билан узлуксиз таъминланиши ҳамда асосий йўлнинг асфальтланиши масаласида ёрдам сўраган.

Ургут тумани прокуратурасининг аралашуви билан Нисбот қишлоғида ўн та янги бетон устун ўрнатилиб, 500 метр сим тортилди ва аҳолига электр энергияси етказиб бериш сифати яхшиланди. Иккита артезиан қудуғи қазилиб 200 та хонадон тоза сув билан таъминланди. 1,8 км. йўлга асфальт ётқизилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, фуқаролар биринчи мурожаат қилган идора масъуллари уларни яхшилаб тинглаб, муаммосини вақтида ҳал қилса, одамлар бошқа идораларга катнаб овора бўлмайди. Шунингдек, жойида осонгина ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар қайсибир масъул шахснинг лоқайдлиги туфайли вилоят ёки республика даражасига олиб чиқилди, ҳал этилиши ҳолатлари қамайд.

Умит УМАРОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш ҳамisha долзарб аҳамиятга эга.

2020 йилнинг январь ва февраль ойларида Навоий вилояти прокуратураси органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларида 2344 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 1633 таси прокуратура органларида ҳал қилинди, 214 таси қаноатлантирилди, 174 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланди.

Хусусан, «Алибек авто сервис» хусусий қорхонасига эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун «Халк банк»нинг туман филиалидан 150 млн. сўм кредит олишга ёрдамлашилди.

Икки ойда 2344 та мурожаат келиб тушди.

Оммавий ва сайёр қабулларда мурожаатлар жойида ўрганилиб, аҳолининг муаммолари ҳал этилмоқда. Жумладан, 110 нафар тadbirkорнинг муаммолари ҳал қилинди, яъни 29 тасига 2,6 млрд. сўм кредит, 8 тасига 77,1 гектар ер олишда, 22 тасига коммуникация тармоғига уланишда, 51 тасига бошқа муаммосини ҳал қилишда ёрдам кўрсатилди.

Масалан, прокуратура аралашуви билан март ойида «Color Gold Concentrate» МЧЖга жун махсулотларини экспорт қилиш учун Навоий шаҳар ветеринария бўлимида белгиланган тартибда махсус гувоҳнома берилди.

Ҳокимият ва бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мансабдорларнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга қандай рия қилаётгани мунтазам ўрганиб боришмоқда. Аниқланган қонунбузилишлар бўйича беш кишига интизомий ва маъмурий иш кўзгатиildi, 8 та қонунбузилишни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритилди. Жумладан, Қармана тумани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши ва туман ободонлаштириш бошқармасида ўтказилган текшириш натижасига кўра вилоят кенгаши раиси номига тақдимнома киритилди ҳамда туман кенгаши мутахассиси Ш.М.га интизомий жоза чораси қўланди.

Дилшод ФАЙЗИЕВ,
Навоий вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

МАҲҚУМ ИНСОН ЭМАСМИ?..

Фуқаро, у маҳқум бўладими ёки маҳбус, аввало инсондир. Қолаверса, у ҳам шу халқнинг, шу юртнинг фарзанди. Ҳар ким жиноят содир этса, қилмишига яраша жазога тортилади. Давлат ва жамиятнинг вазифаси жиноятчилар қилган ишининг нотўғрилигини англаб етишига кўмаклашиш, уларни савоб ишларга даъват этишдир. Аммо бир гуруҳ шифокорлар айни шу ҳақиқатни тушунсалар-да, бунга зид ҳаракат қилишлари оқибатида жазо муддатини ўтаётган бир инсон ҳаётдан эрта кўз юмди.



Хибсхонада сақланаётган Суннат Муродовнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) соғлиги ёмонлашгани боис уни ИИВ ЖИЭББга қарашли тиббиёт муассасаларидан бирига олиб боришди. Маҳқум ёшларидан сурункали гипертония, яъни сийдик йўли касаллиги

билан оғриб келган. У шу дард туфайли пешоб чиқаришга қийналар, бундай пайтда махсус тиббий амалиёт ўтказилиб, муолажа қилиш талаб этиларди. Бироқ шу тиббиёт муассасасида жарроҳ бўлиб ишловчи Жамшид Комилов, терпевт Шухрат Холисов ҳамда Республика

пошилич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилояти филиалида шифокор бўлиб ишлаган Акмал Далаев ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарашди. Даво илмида келган маҳбус С.Муродовни вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб, муолажа қилиш ўрнига, тахминий ва нотўғри тапхис асосида даволаш чораларини кўрадилар.

Афсусланарлиси, С.Муродов ўзининг касаллиги ҳақида такрор-такрор айтиб, шунга асосан даволаш чорасини кўришларини таъкидласа-да, муассаса шифокорлари унга эътибор беришмайди. Унга ошқозон-ичак фаолиятининг функционал бузилиши тапхис қўйилиб, нотўғри даволаш ишлари олиб борилди.

Бу шифокорлар С.Муродовга берилаётган тиббий ёрдам ва дорилар натижа бермаётганини билса-да, уни нотўғри тапхис бўйича даволашда давом эттавердилар. Натижада касаллик ривожланиб, беморнинг аҳволи оғирлашиб

борди. Ҳагто ушбу ҳолатдан хабардор бўлган муассаса бошлиғи Муҳиддин Эшов ҳам беморнинг аҳволига эътибор қаратмайди. Оқибатда маҳқум муассасага келганидан бир ой ўтиб вафот этади.

Мақкур ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят иши очилди ва тергов ўтказилди. Тўрт шифокор айбдор деб топилиди ва суд ҳукми билан жазога тортилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасалари бутунлай ўзгача кифоа касб этмоқда. Ҳозир уларнинг асосий вазифаси жазо муддатини ўтаётган фуқароларни сақлашгина эмас, қайта тарбиялаб, турли маънавий-маърифий тadbirlar ўтказиш орқали руҳияти ҳамда маънавиятини юксалтириш, касб ва хунарга ўргатган ҳолда жамиятга керакли шахс сифатида тайёрлашдан иборат. Тўғри, жазони ижро этиш муассасаси ҳавас қиладиган жой эмас. Аммо бу ер инсон ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинадиган жой ҳам эмас.

Расул МАТХАЛИКОВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

ИХТИЁРИЙ- МАЖБУРИЙ ЙИҒИМ

ЙИҚҚАНЛАР НИМА КАРОМАТ КЎРСАТАЯПТИ?

Фарғона шаҳридаги янги уйлар қурилган кўчада икки аёл ва бир йигит уйма-уй юрибди. Эшик қўнғироғини чалишади, тақиллатишади. Уй эгасига муддаони айтишади: «Хонадонингиздаги газ, электр тизимини кўриқдан ўтказамиз. Керак бўлса, тузаттириб берамиз. Биз билан шартнома тузиб, тўлов қилишингиз лозим».

– Тузатгани усталаринг борми?
– Ҳа, шартнома билан тўлов қилсангиз, бепул тузатамиз.

Дарвоқе, «уй-жойларга техник хизмат кўрсатиш учун тўлов паттаси»нинг иккинчи бетига шартномада «ижрочи назоратчи» кўриқдан ўтказишдан ташқари носозликни бепул баргараф этиши кайд қилинган. Нолдан монтаж қилинса, 50 фоиз чегирма назарда тутилган. Хонадон эгаси олдиндан 22300 сўм тўлаши кўрсатилган. Аввалдан тўлов шутгина экану, мендан нима кетди дея хонадон эгаси пулни беради. Сўнг шартномага диққат билан кўз югуртириб, «ие, нега шартнома амал қилишининг муддати бир йил эмас, уч ой кўрсатилган?» деб сўрайди. Назоратчилардан бири рўқчада бир йил деб ёзиб қўяди. Орадан уч-тўрт ой ўтиб, хонадон эгаси электр тизимидаги носозликни тузаттириш учун «Техник хизмат кўрсатиш» жамиятини шартномада кўрсатилган манзилдан тополмасдан хуноб бўлади.

Мана ўша Бозорбоши кўчаси. Бирок биронта муассаса, ошхона, дўкон рақамланмаган. Эски ҳовлиларда кўчанинг номи бўлмаса ҳам яқкам-дуккам, занг босган уй рақами бор. Излаган манзилнинг қаердалигини ҳеч ким аниқ-тиқий айтиб беролмайди. Шартномадаги «Техник хизмат кўрсатувчи»нинг телефонига кўнғироқ қилсангиз, «ўчирилган, вақтинча иш фаолиятида эмас» деган жавоб оласиз.

– Ёнги хавфсизлигиданман, – деди остонада турган нотаниш одам. Бир кўлида рўқча, бир кўлида тўлов қвтанциялари. – Тўлов қилишингиз керак.

– Нима учун?

– Ёнгининг олдини олиш бўйича кўриқдан ўтказамиз.

– Кўриқдан ўтган, – дея «Ёнгининг

олдини олувчи тезкор кўмакчи» МЧЖнинг далолатномасини олиб чиқиб кўрсатдим. – Тўлов қилганман.

– Бу ўтмайди, бизга аъзо бўлишингиз керак.

– Бўпти, аммо пластик картада бору, нақд пулим озроқ, идорангизга ўзим бораман. Идорангиз қаерда?

– Музей ёнида, чорраҳанинг бозорга борадиган тарафида, – деб тушунтирди назоратчи.

– Э, аввалги ёнгининг олдини олиш кўнғилили жамияти биносидими?

– Ҳа, ўша.

Ўзбекистон ёнгинага қарши кураш жамияти Фарғона вилояти ҳудудий бўлини бошлиғининг ҳузуридамиз. Баҳромжон Абдулҳақимов жамиятнинг низоми билан таништиради. Жамиятнинг вилоят ҳудудий бўлини 2015 йилнинг июль ойида Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтган. Низомда ҳудудий бўлинмаларнинг аҳоли, корхона ва ташкилотлардаги иситиш мосламалари созлогини йиллик кўриқдан ўтказиш, тозалаш, таъмирлаш, бирламчи ёнги ўчириш анжомлари билан таъмирлаш ва турли ёнгилар, ис газидан захарланишининг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат ваколат ва вазифалари белгиланган.

– Биздан ташқари ёнгинага қарши кураш масъулияти чекланган жамиятлари махсус лицензиясиз фаолият юритаётган, ходимлари уйма-уй юриб мажбурий тўловингиз бор, тўламангиз жарима соламиз деб нақд пул йиғатгани норозиликларни келтириб чиқараётган, – дея Б.Абдулҳақимов МФЙлардан олинган хатларни кўрсатади.

Фарғона шаҳридаги «Кимёгар» МФЙ раиси вазифасини бажарувчи К.Тошхўжаева кўпқаватли уйларга ЁХБ томонидан хусусийлаштирилган кор-

хона ходими тарзида тўлов патталари билан кириб юрган шахслар тўғрисида аниқ маълумот беришингизни сўраймиз дея мурожаат этган. «Жўйдам» МФЙ раиси хатида нотаниш йигит-қизлар «Тошкент ёнгининг олдини олиш» МЧЖданмиз деб келиб уйма-уй пул йиғишганини баён қилиб, ушбу ҳолатга аниқлик киритиб беришни сўраган. Хатга илова қилинган шартноманинг нуسخасига кўра МЧЖ аъзо бўлган, ёнги оқибатида зарар кўрган хонадонларга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш, ўзининг дастгоҳ, ускуна, хомашёсидан фойдаланиб ёнгини султлаштирувчи сувоқлик билан ишлов бериш, хонадонни кўриқдан ўтказиш, печлар, электр ускуналари, том, танدير, ўчоқ, тез ёнувчи моддалар(бензин, солярка)ни текширишни ўз зиммасига олади. Буюртмачи 36 минг сўм тўлайди. Энг кизиги, шартномадан озод бўлиши кайд этилган. Демак, «Тошкент ёнгининг олдини олиш» МЧЖ аввалдан пул тўлаб қўйган хонадонга зарур пайтда ҳеч қандай хизмат кўрсата олмаса-да, масъулиятни ўзидан соқит қилаяпти.

Фарғона шаҳридаги Тадбиркорлар кўчаси 169-уйни излаб топиш осон кечмади. Бу кўчада ҳам уйлар рақами ўчиб кетган ёки умуман рақамланмаган. МЧЖ вакиллари савдо биносининг иккинчи қаватидаги хонани ижарага олиб ишлашган экан. «Анча бўлди, чиқиб кетишган, – деди бино эгаси. – Қаерга кўчишган, билмайман».

Б.Абдулҳақимов вилоят бўйича хизматни таклиф қилиб аъзолик учун аввалдан ихтиёрий-мажбурий пул йиққан 25 та МЧЖнинг рўйхатини беради.

«Қувасой ёнгининг олдини олиш» МЧЖнинг манзилини Қувасой шаҳар давлат хизматлари марказидан суриштириб олиб, 2-мактаб директорига учрадик.

– Ҳа, шунақа МЧЖ бор эди, – дейди Нигорахон Убайдуллаева. – Мактаб эски биносининг кўча тарафида, почта бўлини масида жойлашганди. Аммо кўчиб кетган.

Қувасой почта идораси бошлиғи Илҳомжон Абдуллаев билан телефонда боғландик. Унинг сўзларига кўра почта бўлини масининг хонаси МЧЖга ижарага берилган. Ижара шартномаси бекор қилинган. Ҳозир қаерда жойлашганидан беҳабар. Афсуски, МЧЖ раҳбари билан телефонда боғлана олмадик.

Ўт балосидан асрасин. Эҳтиётсизлик, хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик туфайли чиққан ёнгилар моддий зарар етказишдан ташқари инсон умрига зомин бўлиши ҳам мумкин. Фақат ёнги хавфсизлиги ойлигидагина эмас, мунтазам равишда хавфсизлик қондаларига амал қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш самара беради. Бу Ўзбекистон ёнгинага қарши кураш жамиятининг вилоят, шаҳар, туман бўлими заримасидаги асосий вазифалардан. Тарғибот ўтказмайди, ўзлари ёнги хавфсизлиги қондаларини яхши билмайдиган ёнгинага қарши кураш МЧЖларининг ходимлари кўчама-кўча, уйма-уй юриб ихтиёрий-мажбурий пул йиғишидан хонадон эгалари нима наф кўради?

Кези келганда айтиш лозим, Фарғона шаҳрида қурилишлар авж олган. Эски уйлар ўрнида янги бинолар қуриляпти. Кадастр ва бошқа ҳужжатларда биноларнинг манзили кўрсатилган. Бирок четдан келган меҳмон эмас, шаҳарнинг ўзида яшовчилар ҳам керак пайтда излаган уйини топа олмай сарсон. Эски уйларда рақам сақланган, аксар янги иморатлар эса рақамланмаган. Бунга масъул мутасаддилар ишламаяпти.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Наиқ»

Ҳозирги пандемия шароитидан келиб чиқиб, тадбиркорлар учун бюджетга тўланадиган солиқ ва ажратмалар миқдори кескин камайтирилди, баъзи йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш маълум муддатга тўхтатилди.

МЎЙНОҚДА НИМА ГАПЛАР?

Бугун ўзгариб бораётган Мўйноқ бутун жаҳон эътиборида. Чунки Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан БМТ ҳомийлигида Оролбўйи ҳудуди учун шериклик асосида Траст фонди ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти қошида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил қилиниб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорлар, Амударё дельтасида кичик ҳовузлар барпо этилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳудудда 42 йил давомида жами 400 минг гектарга саксовул экилган бўлса, ўтган йили 500 минг гектарга экилди, бу йил 700 минг гектар ерга чўл ўсимликларини экиш режалаштирилган.

Мўйноқни ривожлантириш, Орол фожиасидан жабр кўраётган аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинди. Мўйноқ туманини 2019-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган давлат дастури асосида 1 трлн. 485 млрд. сўмлик курилиш-реконструкция ишлари олиб борилди. 2019 йили 8 та болалар боғчаси, 7 та мактаб, 4 та спорт зали, 6 та тиббиёт ва 8 та маданият объекти курилди. Энг қувонарлиси, ҳамма шароитлар билан таъминланган икки қаватли «Ёшлар маркази» қад ростлади. Яқинда курилиб, Мўйноққа ўзгача чирой бағишлаган курант вақтинг

ғаниматлигини аниқлаб тургандек тўғй.

«Орол чекинса ҳам биз чекинмаймиз!». Бу туман ёшларининг шiori. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, «Келажақ – ёшлар қўлида» деган гап топиб айтилганига амин бўламиз.

– Мен Мўйноқ фарзанди сифатида шунини фахрланиб айта оламани, туманнинг кўкаламзорлаштирилиши, эски биноларнинг янгича кўриниш олгани, консерва заводининг қайта ишга тушиши, янги текстиль фабрикаси курилгани ва бошқа биноларнинг фойдаланишга топширилиши Мўйноқ аҳолиси учун катта янгилик бўлди.

Ҳарбий хизматни тамомлаб, олий ўқув юртига кириш учун йўланмага эга бўлдим. 2019 йил 28 декабрь куни Қорақалпоғистоннинг «Умид учқуни» кўкрак нишони билан тақдирландим, – дейди **Берлак** номидаги Қорақалпоқ давлат университети юридик фа-



культетининг 1-курс талабаси **Артур Саъдуллаев**.

Бутунги кунда фидойи ёшлар гуруҳи Ўзбекистон экологик партияси аъзолари, аскарлар, ёш офицерлар ва тажрибали мутахассислар билан биргаликда Оролнинг қуриган тубида меҳнат қилмоқда. Албатта, биз юрт ривожига ҳисса қўшишдан толмаймиз.

Мўйноқ туманида қилинаётган ишларни ёшларга тушунириш мақсадида йил бошидан бери 10 марта «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви, 3 марта «Ҳоким, прокурор ва ёшлар» учрашуви, 5 марта «Банк ва ёшлар» учрашуви ташкил этилиб, уларда икки мингдан ортиқ ҳамюртимиз қатнашди. Шунингдек, 6-15 февраль кунлари туман ёшлари билан сектор раҳбарлари учрашуви ўтказилди. Унда 750 киши иштирок этиб, 33 нафари ишга жойлаштирилди.

Бутунги кунда Мўйноқ тумани аҳолиси сони 31700 нафар, шундан 9553 нафари

ёшлар. Туманда давлат раҳбарининг бешта муҳим ташаббуси бўйича ёшларнинг кизиқишларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказилганда республикаларнинг 227 нафари маданият ва санъатга, 313 нафари компьютер технологияларига, 692 таси жисмоний тарбия ва спортга, 403 нафари эса китоб ўқишга кизиқиши маълум бўлди. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида туман экология ва «Орол денгизи тарихи» музейларига, «Мўйноқ текстиль» тикувчилик цехи, кемалар қабристон ва хунармандлар аллеясига саёҳатлар уюштирилди.

«Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури асосида 2020 йилда бажариладиган дастур ишлаб чиқилди. Дастурга асосан 3 млрд. 931 млн. сўмлик 16 лойиҳа амалга оширилиб, 66 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Хозирги кунда эса кредитлар ажратилмоқда.

Спорт соҳасига келадиган

бўлсақ, Мўйноқда 21 та спорт зали, 47 та спорт майдончаси ва битта стадион бор. Ёшларнинг 3166 нафари (шундан 1216 нафари кизлар) спорт билан шуғулланмоқда.

Мўйноқ туманини 2019-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида 2019 йилда тўртта (иккитаси янги, иккитаси реконструкция қилинган) спорт объекти фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, «Тикўзак» ва «Учсой» овул фуқаролар йиғинида сунъий қопламали футбол майдончаси курилди.

– Айни пайтда Мўйноқ тумани ҳудудида меваги ва манзарали даҳлат қўчатлари экилмоқда. Бу хайри ишлар 2020 йилнинг 20 февраль куни бошланиб, шу кунга қадар 160 мингта қўчат экилди. Бу ишларда туман ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқда, – дейди **туман ҳокими Е.Еденбаев**.

Албатта, юқорида таъкидлаб ўтилган ишларнинг барчаси туман аҳолиси яшаш шароитини яхшилашга қаратилган. Халқимизнинг бирдамлиги, ҳамжихатлиги эса кичикликларни мардона энгиб ўтиш имконини беради.

Расул ХАЛМУРАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлигининг ўринбосари

MUNOSABAT

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиздаги болалар ва ёшларга оид давлат сиёсати ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари бўйича конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар қоидаларига асосланади.

Конституциямизда ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда), оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши (65-модда) белгиланган.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини тартибга солувида юзга яқин меъёрий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, улар доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман)нинг ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

Шунингдек, 2020 йил 10 мартдан «Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар болаларнинг ҳуқуқларини кафолатлашни кучайтириш ҳамда уларга давлат ва жамият билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда адолатли устунликни яратишни назарда тутди.

Хусусан, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси бешинчи қисми боланинг ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлиги ва бундай мурожаатни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмагани сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қонунда белгиланган.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокамада ўз манфаатига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлиги белгиланган эди. Киритилган ўзгаришга кўра эндиликда оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокамада сўзлашга ҳақлидир.

Яна бир муҳим янгилик шуки, боланинг давлат органларига қилган муро-

жаатини тўлиқ кўриб чиқиш ва бунда боланинг тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важи билан бо мурожаатни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи қонунда 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга янги 241-модда сифатида киритилди.

Эндиликда вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдорларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдорлари боланинг мурожаатини унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида кўриб чиқиши мумкин.

Оила кодексининг 68-моддасида оилада боланинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокамада сўзлашга ҳақлидир деб белгиланган эди. Киритилаётган қўшимчага биноан эндиликда ваколатли органлар ва мансабдорлар боланинг манфаатига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда унинг фикрини кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилиши керак.

Кодекснинг 96-моддаси учинчи

қисмида болага алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаганда васийлик ва ҳомийлик органлари боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлиги белгиланган эди. Энди «васийлик ва ҳомийлик органлари» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола» деган сўзлар билан алмаштирилди. Яъни ўн тўрт ёшга тўлган боланинг ўзига ҳам даъво қўзғатиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фуқаролик процессуал кодексининг 42-моддасида фуқаролик-процессуал муомала лаёқати белгиланган бўлиб, модданинг учинчи қисми талабига кўра меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар қаторида эндиликда ота-оналардан алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳам вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди.

Муҳсинжон ҒОИПОВ,
Бош прокуратура академияси
магистратураси тингловчиси



ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Ўсимликлар дунёси ҳаёт учун зарур кислороднинг асосий манбаидир. Тадқиқотларга қараганда, бир гектар ердаги дарахтлар бир кеча-кундузда 220-275 килограммгача карбонат ангидрид газини ўтиб, 180-215 килограмм кислород ажратар экан. Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етади. Маълумотларга кўра, тўртта дарахт бир кишининг кислородга бўлган кунлик эҳтиёжини қондиради. Буни бежиз келтирмадик. Хўш, шундай экан, мамлакатимизда яшил майдонлар яратиб, дарахтларни муҳофазалаш бўйича ишлар қандай бораяпти?..

Хар йили баҳорда мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Бу яхши анъана, албатта. Бу йил дарахт экиш мавсуми 20 февралдан бошланганидан кўпчилигимиз хабардоримиз. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг хабарига кўра, бу йил 205 миллионга дарахт кўчати экиш режалаштирилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, ўтган йилларда ҳам шу каби миллионлаб кўчатлар яхши ният билан ерга қадалган. Аммо уларнинг карови-чи? Улар тутиб кетдим, кўкардим, парваришига кимдир эътибор бераётими? Мана шу жиҳатлар, очиги, кўпинча эътибордан четда қолиб кетаётгани ҳам аини ҳақиқат. Ваҳоланки, экиш мавсумида қанча техника, куч, маблағ сарфланади?! Мақсад яшил ҳудудларни кўпайтиришми ёки шунчаки «Фалон жойга фалонча ниҳол қададик» дея овоза қилишми? Агар йиллар давомида экилган кўчатлар вақтида суғорилиб, агротехник талаблар асосида парваришланганда эди, аллақачон юртимизнинг асосий қисми яшилликка бурканган, ўрмонзорга айланган бўларди. Лекин ундай бўлмади. Қани ўша манзара?

Бир пайтлар чорвачиликдан анча йироқ бўлган бир дўстим мендан «Тўртта бузоқ олдим, қанча боқсам, қанча фойда қиламан?» деб сўраган эди. «Қорамолни олиб оғилга бойлаб кўйганинг билан у ўз-ўзидан семирмайди, уларни меъёри билан боқиб, иссиқ-совуғидан доим хабардор бўлиб турсанггина фойдасини кўрасан» деганимда у «Шунча одам боқаяпти, мен эшлай олмас эканманми?» деб мендан биров хафа бўлди. Орадан бир неча ой ўтди. Дўстлар билан йиғилишларнинг бирида у мени четга тортиди ва «Тўғри айтган экансан. Қарасан бўлар экан, менда эса уларга яхшилаб қараш учун имконият бўлмади. Оқибатда тўртвини қайтиб бир неча юз минг сўм зарарига сотдим» деди.

Дарахт ниҳолларини ҳам ҳар ким ерга қадаб кетаверади, аммо унга боғбонлик қила олмас экан, фойда эмас, аксинча,

зарар кўради. Мана неча йилдирки, фалонча дарахт экиди деб бонг урилади. Аммо ҳар баҳорда такрорланганидан бу эзгу ишларнинг давоми билан ҳеч ким қизикмайди. Энди ўйлаб кўринг, шунча йиллардан буён ўтказилган ниҳолларнинг ярми кўкартириб олинганда ҳам диёримизда қандай гўзал манзара бунёд бўларди? Бироқ бунинг учун ура-ура қилиб кўчат экаётган мутасаддилардан озгина эътибор, бошқалардан эса фидойиллик, жонқурлик талаб этилади.

Эътибор берган бўлсангиз, Чорвоқ сув омборининг чап тарафидан юқорига қараб, Сижжак қишлоғи томон юрганингизда йўлнинг икки томонидаги қовжираб ётган қирларга бир неча йил аввал турли манзарали дарахт кўчатлари экилганди. Улар меҳр билан парвариш қилинган учун ҳар текис униб, баравж ривожланыпти. Агар эътибор шундай давом этса, бир неча йилдан кейин гўзал манзарага гувоҳ бўласиз. Бундай эзгу ишларни оммалаштириш керак.

Аксарият ҳолларда турли акция ва тадбирлар уюштирилиб, кўчат экишга бел боғланади-ю, аммо ниҳолни кўкартириш учун ҳафсала қилинмайди. Оқибатда қанчадан-қанча ниҳоллар илдиз отмай, қуриб қолади. Бизнинг иқлимда сув ташиб ёки танасига сув тўлдирилган баклажка илиб кўйиб кўчат суғориш билан ҳеч қачон натижага эришиб бўлмайди. Шу боис ҳам аввало дарахт экилган ҳудудларнинг суғориш тизимини яхши йўлга қўйиш керак. Қолаверса, ҳар бир дарахтни суғурталаб, гуллаб-яшнаб кетиши учун шароит яратиш зарур. Бунинг учун эса ўша хомий ташкилотлар ўн мингта кўчат экишмасин, ярмини, балки учдан бир қисмини экишсин, аммо шу ниҳолларни суғориш тизимини ҳам қилиб берипшса, савоб ишни охиригача қилган бўлишсади. Ёки умумфойдаланувдаги ҳудудлар ва автомобиль йўллари ёнига экилган кўчатларни кўкартириши шартнома асосида, маълум ҳақ эвазига ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланганидан

хусусий фирма ва МЧЖларга бириктириб қўйиш керак. Шундай қилинса, ҳар бир экилган дарахт учун жавобгар шахс пайдо бўлади.

Дарахт ниҳоллари экиш билан боғлиқ яна бир муаммо борки, бу ҳар йили давлат газнасидан миллионлаб маблагнинг ҳавога учиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бир неча йил аввал хориждан хилма-хил кўп йиллик буталар билан бирга, турли манзарали дарахт кўчатлари олиб келиб экиш анъанага айланди. Бу билан ҳудудларимиз кўрқига кўрк кўнгуви дарахтлар сони кўпайди. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу қимматбаҳо кўчатлар тўғридан-тўғри хориждан келтирилгани боис иссиқ иқлимимизга мослашиб кетиши қийин кечмоқда. Уларни сақлаб қолиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, кўп ҳолатларда натижага эришиб бўлмаяпти. Саратон, қутилмаган жазирама барибир бу ноёб дарахтларга таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Хусусан, Қрим арчаси, Қрим қарагайи, каштан, эман, Шарк туяси,

дарахт турларини аниқлаб олиш керак. Майли, пойтахтдаги ноёб дарахтлар вилоятларда бўлмасин ёки вилоятдаги чиройли дарахтларни пойтахтда учратмайлик, лекин барча ҳудудларимиз яшилликка бурқаниб, баҳаво бўлишига нима етсин.

Айни вақтда республикамизнинг ҳар гўшасида, ҳар қадамда янги иморатлар қурилатганидан кўзингиз қувнайди. Бироқ бутун деярли қайта қад ростиётган шаҳарларда яшил майдонлар йил сайин қисқариб бормоқда. Деярли барча ҳудудларимиздаги хиёбонлар, кўчалар ёқасидаги навқирон дарахтлар аёвсиз кесилиб, ўрнига на мева, на салкин берадиган дарахтлар экилди. Одамлар жазирамада мазза қилиб, салқинлаб дам оладиган жойлар экзотик буталар, дарахтлар билан безатилди. Кўп йиллик дарахтлар кесиб ташланиб, янги кўришни олган аксарият кўча ва хиёбонларда иссиқ қунларни қуёш нуридан паналашга жой йўқ. Бутасимон ва пакана дарахтлар соясига бош суқип, афсуски, бефойда.



япон софораси, кагалпа, заранг, акация, шумтол, лола дарахти каби намчил ва мўътадил минтакаларда ўсадиган дарахтларни бизнинг иқлимимизда парваришлаш жуда қатта эътибор ва кўп сув талаб қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, эман, каштан, лола дарахти шўр ва зах тупроқда умуман кўкармайди. Ёки биз аксарият ҳолатларда магистраль йўл ёқаларига, яъни шағалли ерларга Қрим қарагайи экавим. Бу дарахт эса бундай шароитда кўкартиб кетиши жуда мушкул. Шунинг учун ҳам у ҳар қанча парвариш қилинмасин, саратонда қуриб қолаверади. Шу боис аввало туман ва шаҳарлар иқлимидан келиб чиқиб экиладиган

Демак, ҳар йили номигагина дарахт экиб, кейин уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш «анъанаси»дан воз кечиб, ҳар туп кўчатга эътиборли бўлиш, ўрмон ва дарахтзорларни кенгайтириш орқали тоза ҳаво учун курашиш ташаббусини қўлаб-қувватлаш лозим. Яшил майдонлар яратишга ҳар биримиз ҳисса қўшмоғимиз керак. Айниқса, ёшларимиз ўртасида экологик маданиятни кенг тарғиб қилиш, улар қалбда табиатга нисбатан меҳр уйғотишда ибрат кўрсатишимиз зарур. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади, юртимиз боғларга бурканади.

Қамолiddин АСҚАРОВ,
«Huquq»

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ хабарлар айрим юртдошларимизнинг ўринсиз хавотирига сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятда бозорларда, йирик савдо марказларида нарх-наво асосиз оширилишининг олдини олиш мақсадида департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси, солиқ бошқармаси ва бошқа ташкилотлар вакилларида иборат гуруҳ тузилиб, нарх-наво барқарорлигини таъминлашга қаратилган чоралар амалга оширилмоқда.

ОЗИҚ-ОВҚАТ УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Урганч марказий дехқон бозори вилоятнинг энг катта бозорларидан биридир. Бу ерда аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотларнинг савдоси яхши йўлга қўйилган. Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари, вилоят солиқ бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар ва бозорлар маъмурияти томонидан маҳсулот нархларини бир хил ушлаб туришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, департамент ходимлари сотувчи ва харидорлар билан суҳбат ўтказиб, савдо жараёнида учрайдиган ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш борасида керакли маълумотларни тақдим этаётган. Бозорда департамент органларининг ишонч телефонлари ва савдо маданияти билан боғлиқ ахборотлар акс этган баннерлар ичиб қўйилган.

— Бозор ҳудудида жойлашган омборлар сифатли озиқ-овқатлар таъминланган, — дейди **Урганч марказий дехқон бозори бошқаруви раисининг ўринбосари Ўткир Собиров**.



— Маҳсулотлар узлуксиз сотилиши учун таъминотчи корхоналар, агрофирма ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Энг асосийси, санитария ва эпидемиология, ветеринария хизматлари маҳсулотлар сифатини таъминлаш учун лаборатория таҳлилларини мунтазам ўтказмоқда, бозорга сифатсиз маҳсулотлар киритилишининг олдини олиш бўйича назорат олиб бормоқда.

Бозорларда расталарда бир-бирига мос турдаги маҳсулотларнинг ёнма-ён сотилиши таъминланаётган, белгиланмаган жойда ўзбошимчилик билан

қурилган расталар бартараф этилиб, ерда, гигиена талабларига жавоб бермайдиган жойларда савдо қилаётган фуқаролар бўш турган расталарга ўтказилмоқда. Озиқ-овқат захираси танқислиги ҳақидаги маълумотлар асосизлигини йирик савдо мажмуаларидаги тўқинликдан ҳам қўриш мумкин. Эътиборлиси, савдо марказларидаги истеъмолбон маҳсулотларнинг нархлари дехқон бозорларидаги нархлар билан деярли бир хил. Савдо мажмуаларида дехқон ва фермерлар билан шартнома тузилиб, сифатли маҳсулотлар узлуксизлиги таъминланмоқда.

— Ота-боболаримиз доим сабр-тоқат билан, шукур қилиб

яшаган. Бугун бозорларимиз, савдо марказларидаги тўқинчилик худди ёздагидек. Карантин даврида тadbиркорларимиз ҳалоллик билан фаолият олиб бериши лозим. Харидорларда ҳам инсоф бўлиши керак. Tadbиркорларимиз тарозидан тўғри фойдаланса, бугунги ризкимиз янада баракали бўлади, — дейди **Урганч шаҳар бош имоми Ҳасанбой Кенжаев**.

— Мен доим Урганч шаҳридаги савдо марказидан харид қиламан, — дейди **харидор Татьяна Худоёрова**. — «Гастроном» савдо марказидаги озиқ-овқатларнинг нархи бозорники билан бир хил. Асосийси, бу ерда суг, гўшт, тухум доим янги олиб келинади. Бугунги харид жараёнида депар-

тамент ходимлари агар савдода ноқонуний ҳаракатлар сезилган тақдирда ишонч телефонларига мурожаат қилишимизни айтиб ўтдилар. Давлат ташкилотларининг бу каби эътибори албатта халқимизни ваҳимасиз, тинч яшашга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм вилоятида одамлар коронавирус ваҳимасига тушмасдан, белгиланган ҳимоя чораларини кўрган. Энг муҳими, ҳамжихатликни таъминлаган ҳолда яхши ниятлар билан ўз юмушларини бажармоқда.

Дилрабо КУРЯЗОВА,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

ФИРИБГАР МУАЛЛИМ

Очiq суд мажлисида тумандаги мактаблардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаган Умаржон Чўлиевга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан ҳукм ўқилди. Газетҳонда ўзи муаллим бўлса, қандай жиноятга қўл урди экан деган савол туғилиши табиий. У.Чўлиев аслида касбига ҳам, ўзига ҳам ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишга бош суқиб, оқибатда жазога маҳкум бўлди.

Қумқўрғон туманидаги музқаймоқ ишлаб чиқарувчи масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг ҳайдовчиси корхонанинг «Лабо» русумли автомашинасини ҳужжатсиз бошқаргани учун йўл патруль хизмати ходимлари уловни жарима майдонига жойлаштиради. Шу жараёнда машина тўла музқаймоқ бўлгани сабабли ҳайдовчи Санжар Султонов саросимага тушиб, бошини чангаллаб ўтирганида У.Чўлиев унга ўз хизматини тақдир қилиб, ИИБдаги танишлари орқали машинани бир неча соатда олиб чиқиб беришини айтади. Санжар хизмат ҳақи қанча бўлишини сўраганда Умаржон ови юришаётганидан хурсанд бўлиб, «от билан туя бўлармиди, 1 млн. 900 минг сўм берсангиз бўлди, жаримаси ҳам шунинг ичиди бўлади» дейди. Ҳаёли машинада эмас, музқаймоқларида бўлган С.Султонов рози бўлади ва пулни келтириб беради.

Ширин муомаланинг ҳадисини олган У.Чўлиев ИИБдаги масъул ходимга учрашиб, ўзини тadbиркор деб таништиради. Шароитни тушунтиради, машинани жарима майдонидан тезроқ чиқариб беришини илтимос қилади. Қўлидаги пулларни кўрсатиб, «сиз машинани чиқариб юбораверинг, жаримасини ҳозирроқ газнага тўлайман» деб уни алдайди. Ички ишлар ходими бағрикенглик қилади. Маҳсулотга зарар етмасин деган мақсадда автомашина жарима майдонидан қўйиб юбориш учун ҳужжат ёзиб беради. Ушбу ҳужжатни

С.Султоновнинг қўлига тутказган У.Чўлиев лафзини унутди. Жарима тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Орадан бир неча ой ўтгач, жарима вақтида тўланмагани учун яна ўша «Лабо» автомашинаси ИПХ ходимлари томонидан жарима майдонига қўйилади. С.Султонов эски таниши У.Чўлиевни кидриб топади ва жарима тўланмаганига изоҳ талаб қилади. У яна фириб ишлатиб, жаримаси катта экани, яна 1 млн. 15 минг сўм берса, ҳаммасини ўзи ҳал қилиб, машинани чиқариб беришини айтади. С.Султонов рози бўлади, лекин...

Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади деб бежиз айтишмаган. Аввалига эски танишининг шартига рози бўлган С.Султоновнинг бир марта оғзи куйгани эсига тушиб ва ушбу ҳолат ҳақида ҳуқуқ-тартибот идорасига ариза билан мурожаат қилди. Департаментнинг Қумқўрғон тумани бўлими ходимлари ўтказган тadbирда У.Чўлиев эски таниши С.Султоновдан 1 млн. 15 минг сўм пулни олган пайтда ашъвий далил билан қўлга олинди.

Суд фирибгарлик қилиб шарафли ва масъулиятли касб оғалари шаънига доғ туширган У.Чўлиевга уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Абдусалом ХУШБАКОВ,
департаментнинг Қумқўрғон тумани бўлими бошлиғи

ТЕНДЕРДАГИ «ЎЙИН»

Қурилиш ва таъмирлаш ишларининг очиклигини таъминлаш орқали барча тadbиркорлик субъектларига тенг имконият яратиш мақсадида қилинаётган ишларга қарамай айрим мансабдорларнинг тендерларни «мойли» соҳага айлантириши уриниши департамент органлари томонидан фош этиб борилмоқда.

Шундай шахслардан бири, Фарғона вилояти «Сувоқава» ДУК девонхона бўлими мутахассиси вазифасида ишлаб келган А.Ю. юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали Дангара туманидаги «М.Б» хусусий корхонаси раҳбари Б.У.га тендерда қурилиш объекти ютиб беришни ваъда қилиб, Фарғона шаҳридаги «Давр» дўкони қаршисида 800 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтда ушлаган.

Айбланувчи А.Ю.нинг жиноий қилмиши судда кўриб чиқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Отабек АЗИМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

146 ТА «ОЛДИ-СОТДИ» ФОШ ЭТИЛДИ

Чет эл валютасининг ноқонуний савдоси иқтисодиётимиз тараккиётига ғов бўладиган иллатлардан биридир. Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган йили ўтказилган тезкор тadbирларда 146 та қонунбузарлик фош этилди. Қонунбузарларга нисбатан 41 та жиноят иши кўзга тилиди ва 105 та маъмурий иш юритилди.

Тезкор тadbирларда қонунбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 165610 АҚШ доллари, 288650 Россия рубли, 7 та олтин танга ва 781,3 миллион сўм нақд пул олиб қўйилди. Жумладан, фуқаро Х.О.нинг мурожаати юзасидан ўтказилган тadbирда Қарши шаҳридаги «Алишер Навоий» МФИда фуқаро Н.А. қонунга хилоф тарзда жуда катта миқдордаги валютани олиб сотиш билан шугулланаётгани аниқланди. Н.А. фуқаро Х.А.га хар бир долларни 8550 сўмдан сотишга келишиб, ўзидаги 20 000, фуқаро Б.Э.даги 1400 АҚШ долларини 182 970 000 сўмга сотган вақтида ушлаган.

Тadbир жараёнида Б.Э. бошқарувидаги «Lacetti 2» русумли автомашина салонида 28600 доллар ва 8 014 000 сўм борлиги аниқланган. Барча пуллар ашъвий далил сифатида олинган.

Суд ҳукми билан валютафурушлар жазосини олишди.

Тўлқин ҚУРБОНОВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



ЖАҲЛ КЕЛГАНДА...

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ ўша даврда машҳур бўлган олимдан «Бир-икки фойдали сўз айтсангиз, токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» деб сўраганда, олим унга қуйидагиларни айтган экан: «Киши учун энг фойдали хислат – жаҳл келганда ўзини босиш, жим туриш, ғазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлнинг чиққанда ўзингни бос, дилни оғритадиган сўзларни гапирма, ишни қаҳру ғазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил!».

Денов туманида жойлашган Автомашиналарни таъмирлаш устахонаси олдида юз берган жанжални уюштирганлар эса на жаҳл чиққанда ўзини босиб турди, на мулоҳаза билан иш юритди. Охир-оқибат бири вафот этди, иккинчиси қўлга олинди.

Аслида Мухтор (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан Ҳамроқул ўртасидаги зиддият бир-икки йил аввал бошланган бўлиб, шундан бери ҳеч келишолмадилар. Ҳамроқул билан ака-укалари Мухтор жиянлари Муборакнинг номунига теккан дея даъво қилишар, у эса буни тан олмасди. Аксинча, Муборакнинг ўзи бўлар-бўлмаста телефон қилиб, ҳол-жонига қўймаганини айтиб, ўзини оклашга уринарди. Бу ерда ким ҳақ, ким ноҳақ, уларнинг ўзлари-ю Яратганга аён. Аммо нима бўлганда ҳам вақт ўтгани сайин зиддият чигаллашаверди. Ҳар икки томон учрашиб қолди дегунча, жанжал бошланарди.

Ўша куни ҳам шу ҳолат такрорланди. Мухтор устахонага автомашинасини олиб келиб таъмирлатаётганида Ҳамроқул келиб қолди. Кўп ўтмай укаси билан жиянлари ҳам пайдо бўлишди. Айни пайтда жанжални ким бошлаганининг аҳамияти

йўқ. Сабаби, тергов вақтида Мухтор Ҳамроқулнинг укаси Вафоқул биринчи бўлиб мушт туширди дея кўрсатма берса, Вафоқул билан жиянлари Мухтор бошлаган деб туриб олишди.

Аммо нима бўлганда ҳам соғиналар ичида тасир-тусир муштлашув юз берди ва айни шу дақиқада Мухтор чўнтагидан пичоқ олиб, Ҳамроқулга санчди-ю, шу заҳоти қочишга тушди. Рақиблари унинг ортидан бироз югуришди. Бирок Ҳамроқулнинг йиқилганини кўриб, унга ёрдам беришга шошилишди. Вақтни қўлдан бой бермай, шифохонага олиб боришди. Аммо унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Жиноят ишлари бўйича Денов тумани суди жаҳл чиққанда ўзини бошқаролмай қолиб, бир инсоннинг умрига зомин бўлган Мухтор Суяровага 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Мазкур жиноят ишидан кўриниб турибдики, фожианинг юз беришига келишмовчиликдан ташқари, Мухторнинг пичоқ билан қуроллангани ҳам сабаб бўлган. Чунки пичоқ бўлмаганда, икки томон бир-икки мушт туширгач, уларни ажра-

тиб қўйган бўлишар, қотилик юз бермаган бўларди.

Сўнгги пайтларда айниқса ёшлар ўртасида пичоқ олиб юриш оддий ҳолга айланиб қолди. Бу эса турли кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат 22 февраль куни Бош прокуратурада бўлиб ўтган Жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида танқид қилинди. Маълум бўлишича, 2019 йилда таълим муассасаларида 210 нафар ўқувчи совуқ қурол олиб юргани аниқланган. Ёшлар пичоқдан фойдаланиб 346 та жиноят содир этган.

Шунингдек, ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти берган хабарга кўра, 2020 йилнинг 13 ва 14 январь кунлари Тошкент шаҳрида фуқаролардан жами 32 та пичоқ расмийлаштириб олинган.

Шундай экан, арзимаган баҳона сабаб ёки кўчада ўтиб кетаётган бегона одам билан гап талашиб чиққан жанжал оқибатида фожа юз бермаслигига ким қафолат беради?!

Нусрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Денов тумани прокуратураси
катта терговчиси

ТҮЙ АЗАГА УЛАНДИ

Аҳад (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тўйда қариндошлари даврасида яйраб ўтирди. Даврадошлари билан жиянининг бахтини тилаб қанча қадаҳ кўтарди, эслай ҳам олмайди. Тўйхонадан амакиваччаси Эргаш билан бирга чайқалиб чиқиб, йўловчи машинада қишлоғига қайтишди.

Икки маст Аҳаднинг дўкони ёнида машинадан тушиб қолишди. Кайф таъсирида уларнинг гапи гапига қовушмас, нима деб гўлдираётганларини ўзлари ҳам англашмасди. Тезда орада гап кочди.

– Эрк-как-ман деб бош-ш-ингни кўтариб юрибсан-да сен ҳам, – деди Эргаш тили зўрга айланиб. – Сенинг хотинчанг бузук.. Кимни хотин қилиб юрганингни биласанми?

– Оғзинга қараб гапир, ўвв, – Аҳаднинг ғзаби тошди. – Хотинимнинг бузуклигини қаерда қўргансан?

Даҳанаки жанг узок давом этди. Охири Аҳад қариндошига қўлини силтади-ю жаҳл билан дўконига кириб кетди. Эргаш эса нарироқдаги устахонага йўл олди. У ердан тузатишга ташлаб чиққан дазмол ва электр чойнагини олиб, яна кўчага чиқди. Бу орада сартарош Абдулла қариндоши Аҳаднинг дўконига кириб, унга танбех берди:

– Ахволингни қара, дабдала мастсан-ку, шу ҳолингга қандай савдо қиласан? Бор, уйингга жўна..

Ҳамон алам ва жазавада ўтирган Аҳад аввалига унга қулоқ солмади. Аммо Абдулла уни дўконига келиб қолган Лағифнинг ҳамроҳлигида уйига кузатиб юборди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Аҳад яна дўконига пайдо бўлди. Ҳамон шу атрофда қуймаланиб юрган Эргаш унинг дўконига кириб, жанжални давом эттирди.

– Сен эркак бўлсанг, қани, олган қарзингни қайтар хозир, – деди Аҳад вазоҳат билан.

Икки қариндош бир-бирларининг ёқаларига ёпишди. Шу пайт дўконга кириб қолган Эргашнинг синфдоши Жамшид уларни зўрга ажратиб олди.

– Бўлди, йиғиштир-е икковинг ҳам, – деди у ҳамон хўрозланётган қариндошларга қараб. – Аҳад, қани, бир кило ширинлик тортиб бер менга..

Жамшид Эргашни дўкондан олиб чиқиб кетди. Аммо Аҳаднинг алами босилмади. Қулоғи остида ҳамон Эргашнинг ҳақоратлари жанглаб турарди гўё..

Дўкон растасида турган пичоқни қўлига қандай олганини ҳам сезмай қолди. Шу аснода ташқарига чиқди. Жамшид Эргашни машинаси томон сураб бораётган экан. Аҳад пичоқни силтаб, Эргашга қичқирди:

– Овозингни ўчириб уйингга йўқол..

Эргаш Жамшидни силтаб, яна Аҳадга ташланди. Аҳад эса вазоҳат билан қўлидаги пичоқни унинг кўксига санчди. Кейин яна урди, яна.. Бир пайт кимдир унинг қўлидан пичоқни тортиб олди. Қонга беланган Эргашни суяб, машинага ортдилар..

Орадан икки кун ўтиб, Эргашнинг шифохонада вафот этганини эшитган қариндошлар даҳшатдан донг қотдилар..

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг очик суд мажлисида Аҳад Бобоёровнинг жиноят иши қўрилди. Қайд этилишича, Аҳад Бобоёров 1983 йилда Чироқчи туманида туғилган. Оилали, учта фарзанди бор. Маълумоти ўрта-маҳсус. Қишлоқ поликлиникасида фельдшер бўлиб ишлаган.


Суд мажлисида Аҳад айбига тўлиқ иқрор бўлиб, пушаймонлигини билдирди. Марҳумнинг яқинлари Аҳадни кечирмасликларини маълум қилиб, унга қонуний жазо берилишини сўрашди. Суд ҳукмига кўра Аҳад Бобоёров 9 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Бундан ташқари, ундан марҳумнинг қонуний вақилларига етказилган моддий зарар учун 2 900 000 ва маънавий зарар учун 30 000 000 сўм ундирилган бўлди.

...Қариндошлар яна тўй қилишаяпти. Бирок бу хушнуд давраларда Эргаш йўқ энди. Аҳад ҳам қўринмайди. Аҳаднинг яқинлари ҳам гарчи хеш-акраб бўлишса-да, Эргашнинг ака-укалари, хотини ва болаларининг кўзларига қарапга ботина олишмайди..

Ҳа, ароқнинг қасрига тўй азага уланди, бир йигит жувонмарг бўлди, иккинчиси умрининг қирчиллама даврини панжара ортида ўтказишга маҳкум.

Баҳодир ХУДОЙҚУЛОВ,
Чироқчи тумани прокурори

Хитойда янги турдаги коронавирус билан касалланганларнинг 90 фоиздан ортиғи соғайди.
Ҳозир фақатгина 4 735 киши шифохоналарда қолмоқда.



МИБ ХОДИМИ ТОШ БИЛАН ҚАРШИ ОЛИНДИ

Айрим фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятсизлик оқибатида МИБ ходимлари фаолиятига қаршилик кўрсатиб, пировардида ўзлари ва оила аъзолари жабр кўрмоқда.

Жинойят ишлари бўйича Зомин тумани судининг Ш.Шукуруллаевдан О.Раҳмоновга 12 млн. сўм моддий зарарни ундириш бўйича ижро ҳужжати мавжуд эди. Бюронинг Жиззах шаҳар бўлими давлат ижросиса Ё.Уматов мажбурий ижро хара-

катларини олиб бориш учун қарздор яшайдиган жой – Зомин тумани Даштобод шаҳри «Улуғбек» МФЙ Низомий кўчаси 13/2-уйга борди. Бироқ қарздор Ш.Шукуруллаевнинг турмуш ўртоғи Ш.Раҳмонбердиева унинг қонуний фаолиятига қаршилик кўр-

сатиб, уйга киритмай, дарвозани қулфлаб, Ё.Уматовни тош билан уриб, жароҳат етказди.

Мазкур ҳолат юзасидан Зомин тумани прокуратураси томонидан Ш.Раҳмонбердиевага нисбатан жинойят иши кўзга тилиб, тергов ўтказилмоқда.

МИБнинг Жиззах вилояти бошқармаси Ички хавфсизлики таъминлаш шўъбаси

МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ўтказиб келаётган тарғибот тадбирлари натижасида бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва тўлов интизоми ошганини айтиш жоиз. Аммо шунга қарамасдан баъзи фуқароларнинг онгида бюро фақат коммунал тўловларни, алимент ва солиқ қарзини ундиради деган нотўғри тушунча мавжуд.

ФАҚАТ АЛИМЕНТ ВА СОЛИҚЛАР УНДИРИЛМАЙДИ...

Давлат ижрочилари мулкӣ ва номулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари ижроси билан шугулланади. Номулкӣ характерга эга ҳужжатларга мажбурият юклаш, фарзанд билан кўриштириш, ноқонуний курилмаларни бузиш, мулкни олиб бериш, ишга тиклаш, уйга киритиш, мулкӣ характердаги ҳужжатларга эса алимент, иш хақи, зарар, қарз, жарима ва божларни ундириш кабилар кирради. Масалан, Косон туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан «Косон дизайн арфа» МЧЖдан давлат солиқ инспекциясига 354 млн. 710 минг 65 сўмлик солиқ қарзини ундириш белгиланган. МИБ Косон тумани бўлими ходимларининг оғохлантиришларига қарамасдан жамият шу кунгача қарзини тўламай келган.

54 млн. 73 минг 750 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи юзасидан «Боболехдон» чойхонаси хатланди. Бюронинг Ғузур тумани бўлими ходимларининг оғохлантиришларига қарамасдан қарздор шу кунга қадар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламай келган.

Хавотирга тушган тадбиркор 200 млн. сўмни қуртдай санаб берди.

«Neftgazuskunamontaj» унитар корхонасининг ҳам солиқдан 59 млн. сўм қарзи бор. Шу сабабли бюронинг Муборак тумани бўлими ходимлари томонидан қарздорга тегишли SAZ русумли автобус хатланиб, МИБ Муборак тумани бўлими биносига олиб келинди.

Фуқаролар қарзини тўламаган тақдирда хатланган мулклар онлайн аукционга чиқарилади ва сотувдан тушган маблағ эвазига қарзларни қоплаш чоралари кўрилади.

Асқар ПАЙЗИЕВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Шу сабабли 2020 йилнинг 10 март куни бюро ходимлари жамиятнинг балансидаги мулкларини хатлаш учун борганда қарздор қарзининг 200 млн. сўмини нақд пулда тўлаб берди. Ҳозир қарзининг қолган қисмини ундириш чоралари кўрилмоқда.

Бошқа бир ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича Ғузур туманлараро судининг буйруғига асосан Сайфулла Азизовнинг

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ...

МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилмоқда.

2019 йили бошқарма ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимларига 22376 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 20495 таси бюро ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал қилинган. Шундан 10010 таси қаноатлантирилиб, 9343 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Ҳал қилинган мурожаатлардан 11597 таси алимент, 1692 таси қарз, 1003 таси зарарни ундириш, 220 таси қурилмани бузиш, 283 таси четга чиқиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш, 25 таси электрон савдо, 1328 таси суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш ҳақида-дир. Қолганлари бошқа масалалар билан боғлиқ.

Мурожаатларга айрим ҳудудларда бўлим бошлиқлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга старли эътибор бермаётгани, қабулга келувчиларга қонун талаблари, мурожаатларни ҳал қилиш тартиби ва муддатини

старлича тушунтирмаётгани ва мурожаатларни синчиқлаб текширмаслиги, давлат инспекторлари таъминотчи корхоналар тақдим қилаётган маълумотларни текширмасдан одамлардан қарзини тўлашни талаб қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Каттакўрғон туманида ўтказилган сайёр қабулда фуқаро Ғ.Ризаева мурожаат қилиб, С.Ғамбердиевдан икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Каттакўрғон тумани бўлими томонидан бажарилмаётганидан шикоят қилди. Мурожаатни ўрганиш давомида қарздордан 10 млн. сўм алимент пули ундирилиб, ундирувчига тилхат орқали топширилди.

Рустам ХЎЖАҚУЛЛОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

Бир йилда 22 мингдан ошиқ мурожаат келиб тушган.

ИККИ ЮЗ МИЛЛИОНЛИК ЎҒИРЛИК

МИБ Наманган вилояти бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда истеъмолчиларнинг энергия ресурсларидан фойдаланиши ўрганилмоқда.

Наманган шаҳридаги «Исмаилов саноат сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ишпоотда «Муҳлисабону савдо сервис» хусусий корхонасига тегишли ҳисобга олиш асбоблари кўздан кечирилганда антика ҳолатга

дуч келинди. Яъни, корхонада электр энергияси ҳисоби учун ўрнатилган трансформаторларнинг кучланиш занжирлари «Tubo conditer» хусусий корхонаси раҳбари томонидан узиб қўйилган ҳолда электр энергиясидан тўғридан-тўғри фойдала-

нилаётгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан да-лолатнома расмийлаштирилди. Ҳисоб-китобларга кўра корхона 217 млн. 898 минг 100 сўмлик электр энергиясидан ўғринча фойдалангани маълум бўлди. Истеъмолчи етказилган зарарни ўз вақтида тўлагани унга кимматга тушди.

Шерзод ҒОҒУРОВ,
МИБ Наманган вилояти бошқармаси инспектори

ИЖРО ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Наманган туманлараро иқтисодий судининг «МММ teks» МЧЖдан «Uztextile Export» МЧЖга 736,2 млн. сўм ундириш тўғрисида 2019 йил 26 ноябрдаги ижро ҳужжати бўйича бюронинг Наманган шаҳар бўлими томонидан қарздорнинг банкдаги барча ҳисобрақамларига банд солиниб, инкассо топшириғи берилган. Натижада қарз тўлиқ ундирилган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 18 февралдаги ижро варақасига асосан «Ташин Гравий» МЧЖдан «Главгидроспецстрой» МЧЖга жами 174,5 млн. сўм қарзини ундириш лозим эди. Бюронинг Самарқанд шаҳар бўлими иш юритишга келиб тушган мазкур ҳужжати ўрганиши бошлади.

Бўлим иш юритишда суд қарорларига асосан қарздордан давлатга жами 118,7 млн. сўм

ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга асосан бирлаштирилди.

Қарздорнинг барча ҳисобрақамларига банд солиниб, инкассо топшириғи қўйилиши самара берди. «Tashish Graviy» МЧЖдан жами 83 млн. сўм ундирувчининг ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Ҳозирги кунда мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилиб, қарздорга тегишли тош майдалаш комплексига хатланиб, уни баҳолаш ва реализация қилиш чоралари кўрилмоқда.

Улуғбек ХАМИДОВ,
Бош прокуратура хузуридаги МИБ бўлим катта инспектори



МИННАТДОРЛИК

Бугун Ўзбекистон нафақат хавфсиз, балки иқтисодиёти ҳам жадал ривожланаётган мамлакатга айланиб бораётганини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг турмушини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Инсонларга кўрсатилаётган меҳр-оқибатни ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Шу боис хизмат бурчини сидқидилдан адо этаётган Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори Б.Қудрат-хўжаевга миннатдорчилик билдиришни инсоний бурчим деб биламан.

Уларнинг Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятида омад тилайман.

Р.ҲАҲМДОВ,
пенсионер, Бекобод шаҳри 65-қавтарал 1-а уй 19-хонадон
Тахририятдан: муаллифнинг тахририятга йўллаган мактуби тахир қилиб берилмоқда.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура идораларида қарийб 38 йил мобайнида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Светлана Балакина табаррук 80 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолиятини Тошкент вилояти прокуратурасида котибалиқдан бошлаган. Сўнгра Чирчиқ шаҳар прокуратурасида терговчи, катта терговчи, Тош-



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Кахраман Турдиев табаррук 70 ёшни қарши олмақди.

У прокуратура органлари тизимидаги 25 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лаво-

зимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Кахраман Турдиевнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Ҳурматли Кахраман Тешалиевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, хондонингизга файзу барака тилаймиз!

кент вилояти прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, Ўзбекистон прокуратурасида бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, ҳамкасблари хурматиға сазовор бўлди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Светлана Балакинанинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Ҳурматли Светлана Васильевна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга мустаҳкам соғлиқ ва хондонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

MULOHAZA

ТАБИАТНИ БИРГА АСРАЙЛИК!

Табиатга аёвсиз муносабат туфайли сайёрамиз экологияси ёмонлашиб бораётгани инсониятни жиддий хавотирга солмоқда. Завод ва фабрикаларнинг чиқиндилари, автомобиллардан чиқаётган газлар, маиший чиқиндилар борлиқни ифлослантираётти. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни кенгайтириш, саноат ва қурилишда ишлатиш учун ўрмонлардаги дарахтлар кесилаётгани, ёнғинлар оқибатида кислород манбаи бўлган ўсимлик дунёсининг қисқараётгани табиат барқарорлиги бузилишига олиб келмоқда.



Табиий мувозанатга таъсир кўрсатувчи омиллар:

– аҳоли кўпайиши баробарида табиий маҳсулотларга талаб ортиб бориши, янги ерлар узлуксиз ўзлаштирилиши, турли катталиқдаги сув омборлари барпо этилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва техника жадал суръатлар билан тараққий этиши;

– қишлоқ хўжалигида кўп-лаб минерал ўғитлар ва захарли химикатларнинг ишлатилиши натижасида тупроқнинг биологик хусусиятлари йўқолиб бориши, тежамкор суғориш усулининг яхши йўлга қўйилмагани туфайли тупроқда туз миқдори ортиши;

– иқлимнинг ўзгариши, айниқса, чўлланиш қабатининг кучайиши, ёнғингарчилик мик-

дори ва муддатларининг ўзгариши;

– географик минтақаларнинг силжиши, денгиз ва океанлар сатҳининг кўтарилиши, музликларнинг эриши ва камайиши.

Ҳозирги кунда ердан, умуман табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш натижасида табиат барқарорлиги бузилишини бартаф этиш учун ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгрок йўлга қўйиб, аҳолининг экологик-ҳуқуқий маданиятини ошириш, янги қонун нормаларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Шунга кўра фавқуллода вазиятлар ва табиий офатлар рўй беришининг олдини олиш ва бундай ҳолатлардан ерни, қолаверса, барча табиий объектларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бобурхон АКБАРОВ,
Фарғона шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази иккинчи жаҳон уруши катташчиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, прокуратура фахрийси

Нурулла АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Нуқуқ» газетаси тахририяти жамоаси тахририят худудий мухбири Исроил Иброҳимовга укаси

Муроджон ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

КЕЛГУСИ
СОНДА

ПАРДОЗЧИ
НЕГА ЎЗ
ЖОНИГА ҚАСД
ҚИЛДИ?

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEKCANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
[i] — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4122
22 489 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ALIMOV
Sahifalovchi: S.BABAJOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda.

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirish: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



8 772010 761004

Француз олимлари COVID-19 касаллигини келтириб чиқарадиган SARC-COV-2 коронавирუსига қарши препаратни муваффақиятли синовдан ўтказди.

26-MART 2020-Y.

HUQUQ № 12

(1208)

11



Фотомухбир Абдувоҳид ТУРАЕВ

Кўча-кўйдаги гап-сўзларни эшитиб, ижтимоий тармоқлардаги фикрларни ўқиб, бошқалар сингари ташкилотларнинг раҳбарларини қоралашга одатланган бир вақтимда кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеага гувоҳ бўлиб қолдим. Аниқроғи, ўзим тайёрлаган сценарий бўйича мурожаат қилиб, айрим ходимларнинг асл юзини кўриб, оддий ходимлар кўп ишларни раҳбарсиз ҳам бажариб юбораверишига амин бўлдим. Раҳбарларда ҳам инсоф борлигига, ҳамма нарсага фақатгина улар айбдор эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Ушбу ёзганларимни ўқиб балки сиз ҳам шу фикрга келарсиз?

Атрофи унчалик ободонлаштирилмаган, аммо деворлари янгитдан қурилган маскан. Қаторасига экилган арчалар мажмуага кўрм бағишлаб турибди. Ҳовлида эса имконияти чекланган болалар ўйнапти. Улар кўринишидан соғлом тенгдошларидан бироз фарқ қилади. Яқиндагина экилгани кўриниб турган арча ёнида турган кизнинг хониши кишини эътиборсиз қолдирмайди. У «Сизни соғиндим, она» кўшигини ўхшатиб қуйлаётгани. Ўнг тарафдан югуриб келаётган йигит иккита аёлга урилиб кетиб, дарҳол «Ассалому алайкум» деди. Унинг саломига алик олишга ҳам эринган опаларнинг «Э, кўр. Югурмай секинроқ юрсанг нима қилади?» деганини эшитиб, этим жунжикиб кетди.

Тўғриси айтсам, бу болаларга ёрдам беролмайман, аксинча, уларни кўрсам юрак-бағрим эзилади. Шунинг учун ҳам бу ерга жуда кам келаман. Келганда ҳам уларнинг ёнида йиғлаб юбормаслик учун ўзимни тайёрлаб келаман. Опалар менга яқин келган, уларни суҳбатга тортдим.

– Ассалому алайкум. Ишларингиз яхшими? Чарчамайсизларми? Яқинда кўчиб келгандик шу ерга...

– Тезроқ гаширинг, шошиб тургандик, – деди қорачадан келган калта бўйли аёл. – Сиз билан гаплашишга вақтимиз йўқ.

– Шу ерга ишга кирсаммикан дегандим. Шунга гаплашиш учун бирор бир раҳбар бормикан деб келгандим...

– Эҳ, синглим, раҳбарни нима ки-

катта гап. Бирор ишингиз чиқиб қолганда, ҳеч кимга айтмасдан, бир кун-ярим кун ўрнингизга бирорта танишингизни ишга юборсангиз ҳам бўлади. Раҳбарлар билмай ҳам қолади. Ўзи маълумотингиз борми? Аслида бирорта таълимчи таълимлаган бўлсангиз ҳам бўлади. Ишга қирадиганларнинг беш-олти нафари мен орқали жойлашади. Чамамда икки-уч ойлар бурун ўрта мактабни тамомлаган иккита аёлнинг ишга киришига ёрдам берганман. Айтганимни қилиб, мен билан яхшилаб «салом-алик» қилишган. Мана ҳозиргача ошиги олчи. Туппа-тузук ишлапти. Бир ошхонада ошпаз ёрдамчиси, яна бир олий маълумотли имконияти чекланган ўқитувчига котибалик қилапти. Ўқитувчининг кўзи

хайр-эхсон қилувчилар жуда кўп. Бу ёғига давлат ҳам қараб турмайди. Муассасамизга келувчи маҳсулотлар болалардан ортиб қолади. Хар ой, керак бўлса, хар уч кунда маҳсулотлар янгиланади. Ортиқчасини сумка-сумка қилиб бўлиб оламиз. Буни раҳбарлар кўрмай ҳам қолади. Нега десангиз, уларни чақғитиб туриш унчалик ақл талаб қиладиган иш эмас. Бола кўп, айрим кунлари улар ошхонага киришга улгурмайди ҳам. Билсангиз, оддий тарбиячи бўлсам-да, кўп нарсаларни мен ҳал қиламан. Мана, масалан, тунов куни хайр-саховат қилиш мақсадида олиб келинган турли хил маҳсулотларнинг тенг ярмини болаларга қолдириб, қолганини ўзимиз бўлиб олдик. Ҳамма ишларга ўзим бошман.

БОЛАЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

ласиз? Бу ерга ишга кириш пулли. Мен билан яхшилаб «гаплашсангиз» ўзим ишга киришингизга ёрдам бераман. Қирқ икки йилдан буён тарбиячи бўлиб ишлайман. Пенсияга чиққангизга бир ярим йил бўлди. Раҳбар билан гапимиз бир жойдан чикани учун ҳам мени ишдан бўшатовмайди. Болаларга қараш ҳам унчалик қийин эмас. Телефонингиздан яхши бир кўшиқ кўйиб берсангиз кўр болалар кун бўйи эшитиб ўтираве-ради. Улар маза қилиб кўшиқ эшитади. Сиз эса бу пайтда бошқа ишларингизни қилиб оласиз.

– Тушунмадим, болаларга қарашдан бошқа қандай иш? Асосий вазифа болаларга қараш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш эмасми? – сўрадим ажабланиб.

– Э, қанақа савол-жавоб? Кўрларга бирор нарса ўргатганингиз билан улар билимдон бўлиб қолармиди? Қорни тўйиб, ўзларини эплаб юрса шунинг ўзи

кўрмайди, шунинг учун ўқувчиларга оғзаки дарс ўтади, унинг журнал ва дарса оид ишларини эса котоба ёзиб беради. Ўзи-чи, бу ерга ишга кирсангиз умуман қийналмайсиз. Кун бўйи ишлангангиз ҳам оч қолмайсиз. Болаларга бериладиган овқатдан ейсиз. Мен орқали ишга кирганингизни билса, ҳеч ким, ҳатто раҳбарлар ҳам сизни бекордан-бекорга безовта қилмайди. Келадиган текширувчига келадиган бўлсак, уларни менга кўйиб беринг. Нима деб жавоб беришни жуда яхши биламан. Қирқ икки йил давомида жуда кўп текширишлардан ўтганмиз. Хуллас, гапнинг индаллоси, мен билан қулоқроқ «салом-алик» қилсангиз бўлди. Ишга жойлашасиз. Керак бўлса, раҳбар ҳам сиз билан хўжақўрсинга суҳбат ўтказасиз.

– Яхши тушунмадим, опа. Қанақа салом-аликни айтаяпсиз? Мен ҳеч қаерда ишламайдиган оддий аёл бўлсам, бундоқ тушунтириброк гапиринг, – дедим гарчи ёлғонни унчалик эплотмасам-да. Ёлғоним ишонарли чиқди шекилли, опа яна астойдил тушунтира бошлади.

– Нега тушунмайсиз, синглим? Мушук текинга офтобга чиқмаганидек, ҳозирги замонда ҳеч бир ишингиз таниш-билишсиз, олди-бердизсиз битмайди. «Сендан угина, мендан бугина» деганларидек, энди бу ёғини тушунгандирсиз. Арзимаган харажат билан ишга кирсангиз бўлди. Бу ёғига ишингиз «беш» бўлади. Ногирон болаларга

Ўқитувчилар дарс ўтиш билан банд, раҳбаримиз йиғилишма-йиғилиш юргандан кейин кимдир қолганларга бош бўлиши керак-ку, шундай эмасми? Ҳеч ким бўлмаса, бу ходимлар нималарни хохламайди дейсиз. Индамасангиз, ўзларини ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган болаларнинг хақини еб, мажмуадаги нарсаларни талон-торож қилиб кетади. Ҳалиям меннинг борлигим учун бироз кўрқиб туришди. Ақл холда...

Вақти йўқлигини пеш қилган опалар кам эмас-кўп эмас – рошпа-роса бир ярим соат гаплашишди. Берилган маълумотларнинг айримларини ёзишни ўзимга эп кўрмадим. Фақат...

...Хурматли тарбиячилар ва тенгдошларидан бироз фарқ қиладиган болалар орқали қозони қайнаб, рўзғори бут бўлаётган ходимлар. Ногирон болаларга меҳр беринг, уларни ҳеч қачон ситламанг, ўзлари хохламаган бўлса-да, айб-сиз айбдор бўлиб қолганини ҳеч қачон юзига солманг, хақига хиёнат қилманг. «Олди-берди», «салом-алик»ни қулоқроқ қилиб ишга жойлашгани ор билинг. Ахир улар ҳам худонинг бандаси. Кўнгли кемтиклиги етар, сиз ситлашми, устидан қулишни бас қилинг. Имконингиз бўлса, истезодини қўллаб-қувватланг. Кўнглига таскин беролмайсизми, озор ҳам берманг.

Нигина ШОЕВА,
журналист



Тахририятдан: Мақолада имконияти чекланган болалар тақдири ҳақида сўз юритилгани сабабли муассаса рақами ва манзили ошкор қилинмади. Тахририят мазкур ҳолат юзасидан тегишли идораларга хат юборди.